

ТОШКЕНТ ШАҲАР СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ ТАФТИШ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ АЖРИМИ

2024 йил 23 июль куни Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг тафтиш инстанцияси ўз биносида, очик суд мажлисида, раислик қилувчи: судья О.Илхомжонов, судлов ҳайъати судьялари: М.Тургунова ва Т.Касимовдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Д.Бўроновнинг котиблигида, Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим прокурори У.Мухсимов, жабрланувчи К.Сулаймонов ва маҳкум А.Жамиловнинг ҳимоячиси - адвокат Ш.Шаназаровларнинг иштирокида, А.Жамиловга оид 1-1007-2205/532-сонли жиноят ишни адвокат Ш.Шаназаров томонидан берилган шикоят асосида тафтиш тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Учтепа туман судининг 2022 йил 7 сентябрдаги ҳукмига кўра,

1993 йил 2 февраль куни Бухоро вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институтида бош мутахассис бўлиб ишлаган, оилали, уч нафар вояга етмаган фарзандлари бор, муқаддам судланмаган, Бухоро вилояти, Ёрғинов тумани, Зарафшон маҳалла фуқаролар йиғини, Кўчапоён қишлоғи рақамсиз уйда истиқомат қилган, 2022 йил 13 апрелдан буён қамокда сақланаётган **Жамилов Абдуҳалим Негмуродович** (Jamilov Abduhalim Negmurodovich)

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” банди билан 8 йил 2 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, шунингдек А.Жамиловдан жабрланувчи К.Сулаймонов фойдасига 438.848.800 сўм миқдордаги моддий зарар ундириш белгиланган.

Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2022 йил 3 ноябрдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, А.Жамилов бошқа шахс билан бир гуруҳ бўлиб, ўзганинг мулкани фирибгарлик йўли билан қўлга киритиш мақсадида 2021 йил март ойида Сулаймонов Камолиддин Шовкат ўғлини алдаб уни ишончига кириб, К.Сулаймоновга таниш бўлган 8 нафар фуқароларни қонуний ҳужжатлар асосида Жанубий Корея Республикасига ишга юборишини айтиб, К.Сулаймоновдан Учтепа тумани 12 мавзеси 1 уй олдида хар бир фуқаро учун 6.000 АҚШ долларидан жами 46.500 АҚШ доллари (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг маълумотга кўра 10.03.2020 йил ҳолатига кўра 1 АҚШ доллари сўмга нисбатан қиймати 9500 сўмни ва 46.500 АҚШ доллари



441.750.000 сўм), яъни 441.750.000 сўмни ташкил этган жуда кўп миқдордаги пулларини фирибгарлик йўли билан олиб, берган ваъдасини бажармасдан пулларни ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган.

Адвокат Ш.Шаназаров шикоятда, бугунги кунда жабрланувчига нисбатан етказилган моддий зарар ўрни тўлиқ қопланганлиги сабабли, ҳимоя остидаги А.Жамиловга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўраган.

Тафтиш инстанцияси суди иш бўйича судья Т.Касимовнинг маърузасини, Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим прокурори У.Мухсимовнинг иш бўйича етказилган моддий зарар қопланганлиги боис, шикоятни қаноатлантириб, туман судининг ҳукми ва апелляция инстанция судининг ажримини ўзгартириш ҳақидаги хулосасини, адвокат Ш.Шаназаров ва жабрланувчи К.Сулаймоновнинг етказилган зарар қопланганлиги боис, шикоятни қаноатлантириб, туман судининг ҳукми ва апелляция инстанция судининг ажримини ўзгартиришни сўраб берган фикрларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини тафтиш қилиб, қуйидагиларга асосан туман судининг ҳукмини ва апелляция инстанция судининг ажримини ўзгартиришни лозим топади.

Судлов ҳайъати А.Жамиловнинг айб依лик масаласини муҳокама қилмаган ҳолда шикоят важларини ўрганишни лозим топади.

Шикоятга илова қилинган Реестрда 202402507001498 рақами билан қайд қилинган “Ҳужжатлардаги имзонинг ҳақиқийлигини шаҳодатлаш” ҳақидаги нотариал тартибда расмийлаштирилган ҳужжатда, 1-1007-2205/532-сонли жиноят иши доирасида А.Жамилов томонидан етказилган моддий зарарнинг ўрни тўлиқ қопланганлиги сабабли, К.Сулаймоновда А.Жамиловга нисбатан моддий ва маънавий даъвоси қолмаганлиги қайд қилинган.

Тафтиш инстанция суди мажлисида жабрланувчи К.Сулаймонов маҳкумнинг яқинлари томонидан унга нисбатан етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини баён қилиб, маҳкум А.Жамиловга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазосини билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўради ва шу мазмунда ариза билан мурожаат қилди.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддасининг 5-қисмида, “етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди” деб қатъий белгиланган.

Юқоридагиларга кўра, судлов ҳайъати А.Жамиловга нисбатан жазо тури ва муддатини белгилашда, Олий суд Пленум қарорларидаги раҳбарий тушунтиришлардан келиб чиқиб, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавф依лик даражасини, қилмишнинг сабабларини, унинг шахсини, жиноятдаги ролини ва ёшини инобатга олиб, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддаси талабларига риоя қилиб, унинг ўз айбига иқроор бўлиб, қилмишидан пушаймонлигини, оилавий шароитини, жабрланувчига етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, жабрланувчига етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлиги боис, ЖК 168-моддасининг 5-қисми талабига мувофиқ унга нисбатан ЖК 168-моддасининг 4-қисми санкциясида назарда тутилган миқдорда жарима жазоси тайинлашни лозим топади.



Шу билан бирга, судлов ҳайъати А.Жамиловнинг 2022 йил 13 апрелдан 2024 йил 23 июлга қадар (833 кун) қамоқда сақланган кунининг 1 кунини базавий ҳисоблаш миқдорининг иккидан бир қисмига тенглаштирган ҳолда ҳисоблаб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 416,5 бараварини чегирган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан тайинланган жазо ўталган деб топишни лозим деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга асосан, судлов ҳайъати А.Жамиловга оид суд ҳукми ва апелляция инстанцияси ажримини ўзгартириб, тафтиш шикоятини қаноатлантиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 485, 521⁴, 521⁶-моддаларига амал қилиб, тафтиш инстанцияси суди

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Жамилов Абдуҳалим Негмуродович (Jamilov Abduhalim Negmurodovich)га нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Учтепа туман судининг 2022 йил 7 сентябрдаги ҳукми ҳамда Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2022 йил 3 ноябрдаги ажрими ўзгартирилсин.

Жамилов Абдуҳалим Негмуродовичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” банди билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 400 баравари, яъни 98.000.000 (тўқсон саккиз миллион) сўм миқдорида жарима жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан А.Жамиловнинг 2022 йил 13 апрелдан 2024 йил 23 июлга қадар қамоқда сақланган кунининг 1 кунини базавий ҳисоблаш миқдорининг иккидан бир қисмига тенглаштирган ҳолда тайинланган жазо ўталган деб ҳисоблансин.

Жамилов Абдуҳалим Негмуродович жазони ижро этиш муассасасидан қамоқдан озод қилинсин.

Ҳукмнинг қарор қисмидан “А.Жамиловдан жабрланувчи К.Сулайманов фойдасига 438.848.800 сўм миқдордаги моддий зарар ундириш” қисми чиқарилсин.

Ҳукмнинг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилсин.

Келтирилган тафтиш шикояти қаноатлантирилсин.

Ажримдан норози тарафлар Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 510-моддаси тартибида Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига тафтиш тартибида шикоят бериш ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

/имзо/

О.Илхомжонов

Ҳайъат судьялари:

/имзо/

Т.Касимов

/имзо/

М.Тургунова

Аслига тўғри.

